

## 6-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА ЭЪТИҚОДИГА АЙЛАНИШИ, ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИГА СИНГИШИ

Режа:

1. Миллий ғоянинг халқ ишончи ва эътиқодига айланиш зарурлиги.
2. Миллий ғояни халқ ишончи ҳамда эътиқодига айлантиришнинг ички вазифалари, меъзонлари.
3. Миллий истилол ғоясини халқимиз онги ва қалбига сингдириш зарурати ва устувор йўналишлари.
  3. Оммавий ахборот воситалари ва ғоявий таъсир кўрсатиш механизмлари.

Эътиқод – (арабча ишонмоқ, имон, амин бўлмоқ) – инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида англаган билимлар, ғоя ва тасаввурлар ифодаси бўлган тушунча. Инсон вояга етиши жараёнида тўплаган билимлари, эҳтиёжи ва манфаатлари, ҳаётий тажрибаси асосида ҳаракат қилиш заруратини англаши жараёнида муайян эътиқод шаклланади. У инсон фаолиятининг изчил, мазмунли, мантиқий, мақсадли бўлишига олиб келади.



Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам  
ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб  
олинганидагина эътиқодга айланади.

Хаёт ҳодисаларига иккиланиб  
муносабатда бўлиш, журъатсизлик,  
эътиборсизлик ва бефарқлик киши  
эътиқодининг бўшлиги ёки ҳатто  
эътиқодсизлигидан далолат беради. Бундай  
кишилар кўпинча бошқаларга эргашиб ёки  
тақлид қилиб яшайдилар. Уларда аниқ қадрият  
мезонлари ва мақсад бўлмайди. Шунинг учун  
миллий ғоя халқнинг ишонч ва эътиқодига  
айланса, у ўзининг кутилган самарасини  
беради.



Мафкура фақат бугун эмас, балки  
ҳамма замонларда ҳам энг долзарб  
сиёсий-иҷтимоий масала, ҳар қандай  
жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар  
сари бирлаштириб, унинг ўз  
муддаоларига эришиши учун  
маънавий-руҳий куч-қувват  
берадиган пойдевор бўлиб келган.

И.А. Каримов

Турли ижтимоий бирликларнинг ўзига хос индивидуал ишончи, эътиқодига айланган ғоялар - миллат манфаатлари, эҳтиёжлари “чорраҳаси”да туташиб, миллий ғояни ва уларни амалга ошириш усуллари ҳамда воситалари бўлган мафкураларни вужудга келтиради.

# Миллий ғоясига ишонч эътиқодни шакллантирувчи турли ижтимоий онг шакллари ва амалиёт йўналишлари:

1. Таълим-тарбия.
2. Фан ва илмий муассасалар.
3. Оммавий ахборот воситалари.
4. Маданият ва маънавий-маърифат.
5. Адабиёт ва санъат.
6. Дин.
7. Жисмоний тарбия ва спорт.
8. Иқтисодий ривожланиш натижалари.

# Миллий истиқлол ғоясига ишонч эътиқодни шакллантиришнинг мураккаб томонлари

1. Узоқ тарихий даврларда давом этган  
мустамлакачилик сиёсати халқни  
тарихий хотирадан, миллий  
қадриятлардан маҳрум қилиш  
чегарасига келтириб қўйган эди.

# Миллий истиқлол ғоясыга ишөнч этикодни шакллантиришнинг мураккаб томонлари

- 2. Собиқ совет даврида тоталитаризм, волюнтаризм сиёсатининг ташкилий-институционал тизими халқ онгида мустамлакачиликка нисбатан “кўникиш эффектини” вужудга келтириб: бўйсинувчанлик, қуллик стереотипларини шакллантирган.

# Миллий истиқлол ғоясига ишонч этиқодни шакллантиришнинг мураккаб томонлари

- 3. Янги вужудга келган мустақил давлатлар устидан ҳукумронлик қилишнинг мукаммал мафкуравий усулларида, воситаларида фойдаланишга тайёр турган давлатларнинг “ғоявий эмансипацияси”, “мафкуравий агрессияси” кенг миқёсда ҳужум бошлаши

# **Миллий ғояга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлайдиган ички омиллар**

- **1. Мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларнинг умумий манфаатларини ҳифодалайдиган ғоялар бўлиши.**
- **2. Собиқ совет даври мафкуравий асоратларидан қутилиш.**
- **3. Мафкуравий тарбия чора-тадбирлари - ғоявий-мафкуравий “инфекция”га нисбатан иммунитетни вужудга келтириш.**

# **Миллий ғояга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлайдиган ички омиллар**

- **4. Демократик жамият қуриш, сиёсий соҳани эркинлаштириш**
- **5. Иқтисодий ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар.**
- **6. Миллий кадриятлар, муқаддас динимиз ва тарихий хотиранинг тикланиши орқали миллий тараққиёт учун маънавий муҳит яратилиши.**



Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз  
ўтмишини яхши билса, бундай  
одамларни йўлдан уриш, ҳар хил  
ақидалар таъсирига олиш  
мумкин эмас. Тарих сабоқлари  
инсонни хушёрликка ўргатади,  
иродасини мустаҳкамлайди.

И.А.Каримов.

# **Миллий ғояни халқ ишончи ва эътиқодига айлантиришнинг объектив шарт-шароитлари**

- **1. Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт негизлари, маданий ҳаётни ривожидан манбалари, инсон салоҳияти, миллатнинг тарихий мероси ва унга бўлган муносабат;**
- **2. Халқ яшаётган ҳудуднинг табиий-жуғрофий жойлашиши ҳамда табиий ресурслари;**

# **Миллий ғояни халқ ишончи ва эътиқодига айлантиришнинг объектив шарт-шароитлари**

- **3. Миллатнинг тарихий шаклланган  
менталитетига хос хусусиятлар;**
- **4. Жамиятнинг демографик ҳолати,  
этник тузилиши;**
- **5. Халқаро ижтимоий, иқтисодий,  
сиёсий муносабатлардаги ўрни ва  
мавқеи.**

# Миллий ғояни халқ ишончи ва эътиқодига айлантиришнинг субъектив омиллари

1. Миллий ғояни халқ ишонч ва эътиқодига айлантиришга йўналтирилган инсонлар, турли ижтимоий гуруҳлар;
2. Оила, маҳалла, миллий-маданий марказлар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари;

# Миллий ғояни халқ ишончи ва этикодига айлантиришнинг субъектив омиллари

3. Халқнинг интеллектуал салоҳиятини  
юксалтиришга йўналтирилган  
таълим-тарбия тизими, унинг  
қонуний ҳуқуқий асослари ва  
дастурлари;
4. Оммавий ахборот воситалари;

## Миллий ғоянинг халқ ишончи ва этикодига айланиш мезонлари

- - ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва уни шахс ҳаёт тарзига айлантириш;
- - тинчлик учун курашнинг ҳар бир шахс ижтимоий-сиёсий, ҳаётий эҳтиёж мазмунига айланиши;
- - эл-юрт фаровонлиги учун фидойилик хусусиятларининг шаклланиши ва амалий фаолият асосига қўйилиши;

## **Миллий ғоянинг халқ ишончи ва этикодига айланиш мезонлари**

- - миллатлараро ва динлараро бағрикенглик хислатларининг вужудга келиши ва амалий фаолият дастурга айланиши;
- - шахсий ва ижтимоий гуруҳ манфаатлари тизимида халқ, миллат манфаатлари устуворлигини таъминлаши;
- - тарихий қадриятларимизни сақлаш ва жамият тараққиётига мос равишда ривожлантириш.





Мафкура инсон онги,  
тафаккурида шаклланади.  
Шунга биноан, онгни,  
тафаккурни таҳликага  
солувчи ҳар қандай  
таҳдидларнинг олдини олиш,  
уларга йўл қўймаслик зарур.

# Ёшлар маънавиятига таҳдидлар

- диний экстремизм, ваҳҳобийчилик ва “ҳизби таҳрири исломия”
- Миссиянерлик ҳаракатлари
- Оммавий маданият номи остида мамлакатимизга кириб келаётган ахлоқсизлик ғоялари



# **МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИГА СИНГИШИ**

Төмөшө қилинаётган сериаллардан  
тортиб болакайларга айтиб  
бериладиган эртаккача, борингки,  
ўқиётган китобларимиз ҳам  
қандайдир мафкуравий юкка эга -  
уларда муайян ғоялар тарғиб  
қилинади. Уларнинг мақсади —  
инсонни нимагадир ишонтириш,  
нимагадир ундаш, нимагадир  
оғдириш.

# ИНСОНГА ҒОЯВИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШ ОМИЛЛАРИ



**ОИЛА**

**ЖАМИЯТ**

**МАҲАЛЛА**

**ОАВ**

**МИЛЛИЙ ҒОЯНИ АМАЛГА  
ОШИРУВЧИ СУБЪЕКТЛАР**

**АРМИЯ**

**ДЕМОКРА-  
ТИК  
ҲАРКАТЛАР**

# МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

**ҒОЯВИЙ ТАЪСИР**

**МАЪНАВИЙ,  
ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ**

**СОЦИАЛ ИНСТИТУТЛАРНИНГ МАФКУ-  
РАВИЙ ТАРБИЯ ИМКОНИАТЛАРИ**

**МАФКУРАВИЙ ТАЪСИР  
ТАМОИЛЛАРИ**

**УЗЛУКСИЗЛИК**

**ТИЗИМЛИЛИК**

**КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ**

**ТАЪСИРЧАНЛИК**

**ҲОЗИРЖАВОБЛИК**

**КОНКРЕТЛИК**

**ОИЛА**

**МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ  
МУАССАСАЛАРИ**

**МАКТАБЛАР**

**ЎРТА МАХСУС ВА ОЛИЙ ЎҚУВ  
ЙУРТЛАРИ**

**МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИ**

**ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ**

**МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ  
УЮШМАЛАР**

# **МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ ҲУНАР ТАЪЛИМИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ**

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ**

**МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдири, сўзсиз инсоннинг фаоллигига боғлиқ. Бу эса ислохотларнинг моҳиятини халққа тушунтиришни талаб қилади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда мафкуранинг тарғиботи “ҳукумат сиёсатининг ташвиқоти” кўринишида амалга оширилади. Давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсатини махсус тарғиб қилишни талаб этади.



Ўз фаолиятининг тарғиботига  
АҚШ ҳукумати йилига 2,5  
миллиард доллар, Франция ҳам  
ўз сиёсатини аҳолига  
тушунтириш ишларига йилига  
100 миллион франк сарфлайди.

Ҳозирги кунда АҚШнинг зиёлилари томонидан янги мафкура - “либерал-национализм” мафкурасини яратиш зарурлиги ҳақидаги фикр ўртага ташланмокда. Бу мафкура миллий ва ирқий жиҳатдан бўлиниб кетган кўп сонли ижтимоий гуруҳларни “АҚШ - миллатлар ҳамжамиятидир” ғояси атрофида бирлаштиришни назарда тутади.

Японияда фуқаро тарбияси “ахлоқий тарбия” тизими доирасида амалга оширилади. Расмий ҳужжатларда “ахлоқий тарбия” тизими қуйидагича номланади: “характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим”, “давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият”, “фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш”. Аслида бу тизим миллатни тарбиялаш тизими вазифасини ўтайди.